

**Сурхондарё вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамияти  
акциядорларининг 2016 йил якуни бўйича Умумий йиғилиши**

**Б А Ё Н И № 3 /17**

*«16» шон 2017 йил*

*Термиз шаҳри*

<i>Жамиятнинг Устав фонди</i>	<i>- 1 142 506 минг сум</i>
<i>Жами акциялар сони</i>	<i>- 761 671 дона</i>
<i>Жамиятнинг овоз берувчи акциялари умумий сони</i>	<i>- 761 671 дона</i>

**Йиғилишда қатнашган акциядорлар**

<i>Эгалик қилган овозлар сони</i>	<i>- 740 827 дона</i>
<i>Йиғилиш кворуми</i>	<i>- 97,3 %</i>

**Йиғилиш қатнашчилари**

Санок комиссияси раиси М.Қаршиев сўзга чиқиб, «Ўзагрокимёхимоя» АЖнинг 2017 йилдаги №01-16/1119-сонли ишончномасига асосан «Ўзагрокимёхимоя» АЖнинг 388 452 дона 51 фоизли акцияси хисобидан Мақсудов Козимхон Мухаммадхонович ҳамда тизимдаги туман ва туманлараро филиаллари ва бўлимлари Давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланган ишончномалар билан 38 киши 234 762 дона акция 30,8 фоизли овоз билан ва «Ansher Investments» LLP корхонасидан ишончнома билан вакил 117 613 дона акция билан 15,4 овоз фоиз билан акциядорлар умумий йиғилишига қатнашишаётганларни маълум қилди.

Йиғилишда жами 740827 дона акция билан 97,3 фоиз, яъни 40 нафар акциядор қатнашаётганлигини айтиб, Республика Қимматли қоғозларнинг Давлат марказий Депозитарийси томонидан 13.06.2017 йилдаги №11-3277-сонли реестрга асосан ёпилганлиги тўғрисида таништириб ўтди ва Умумий йиғилиш қатнашчиларига барча ишончномалар ва Давлат марказий Депозитарийси томонидан 13.06.2017 йилдаги №11-3277-сонли реестрни кўрсатиб, Умумий йиғилиш ўтказиш учун қонунда белгиланган кворум тўпланганлигини маълум қилди ва акциядорлар умумий йиғилиши ваколатлигини эълон қилди.

«Ўзагрокимёхимоя» АЖ вакили М.К.Мақсудов Акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми – 97,3 % ташкил этиб, йиғилиш очик деб эълон қилинди. Йиғилиш раиси этиб, «Ўзагрокимёхимоя» АЖ вакили М.К.Мақсудовнинг номзодини сайлаш таклиф этилди.

Таклиф бир овоздан маъқулланди.

Йиғилишни очган М.К.Мақсудов йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар ва регламенти билан таништириб, умумий йиғилиш Ҳайъатини, котибиятини ва санок комиссиясини сайлаб олиш таклифини киритди.

Ушбу таклиф юзасидан ўз фикрини билдирган Ангор туманидан акциядор М.Хуррамов Умумий йиғилиш Ҳайъатига 5 кишидан иборат қўйидаги аъзоларни таклиф этди:

М.К.Мақсудов	- «Ўзагрокимёхимоя» АЖ вакили;
Ш.С.Жумаев	- “Сурхондарё Агрокимёхимоя” АЖ директори;
Қ.Шералиев	- акциядор;
Б.Усмонов	- Олтинсой туман филиали акциядори;
Ф.Очилдиев	- Жамият директори ўринбосари;

Ушбу номзодлари кўрсатилган Ҳайъат аъзолари овозга қўйилиб, бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш котибияти аъзоларига Термиз туманлароо филиалидан акциядор Э.Тўраев 3 кишидан иборат қўйидаги номзодларни таклиф этди:

Кумқурғон туман филиалидан Элмурод Эшниеъзов  
Қизирик туман филиалидан Баҳодир Бойкулов  
Узун туман филиалидан Назир Исмоиловлар

Ушбу номзоди кўрсатилган котибият аъзолари очик овозга қўйилиб, бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш раиси жамият кузатув кенгаши томонидан тузилган қўйидаги санок комиссияси аъзоларини тасдиқлашни таклиф қилди:

Қизирик туман филиалидан Музаффар Қаршиев  
Музработ туманлараро филиалидан Шухрат Нургелдиев  
Денов туман филиалидан Анвар Розиков

Ушбу номзодлар овозга қўйилиб бир овоздан қўллаб-қувватланди.

### ***Йиғилиш кун тартиби:***

1. Жамият акциядорларининг умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. Жамият кузатув кенгашининг 2016 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамият бошқарув директорининг 2016 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Жамиятнинг 2016 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича ташқи аудиторлик текшируви ҳисоботи.

5. Жамиятнинг 2017 йилга мўлжалланган “Бизнес-режа”си ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.

6. Жамиятнинг 2016 йил якуни бўйича жамият ихтиёрида қолган соф фойдани тақсимлаш ва дивидент миқдорини тасдиқлаш. (Дивидент миқдорини белгилаш).

7. Жамият бошқаруви директори ва ижроия органи раҳбари ҳамда (директор ўринбосарлари) аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасини амал қилиш муддатини ўзайтириш, шартномани қайта тузиш.

8. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини янгидан сайлаш.

9. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини янгидан сайлаш.

10. Жамиятга 2017 йил учун ташқи аудиторлик ташкилотини сайлаш ва унга тўланадиган энг юқори ҳақ миқдорини белгилаш.

11. Жамиятнинг узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш.

12. Жамият ижроия органи раҳбари ва аъзоларини сайлаш.

13. Жамиятнинг ички ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида:

- Акциядорлар умумий йиғилиш тўғрисидаги Низом (янги таҳрири);
- Кузатув кенгаш тўғрисидаги Низом;
- Тафтиш комиссияси тўғриси Низом;
- Ижроия орган тўғрисидаги Низом;
- Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги;
- Ички назорат тўғрисидаги Низом;
- Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низом;
- Дивидент сиёсати тўғрисидаги Низом;
- Санок комиссияси тўғрисидаги Низом;
- Бошқарув ва назорат органларини рағбатлантириш тўғрисидаги Низом;

Миноритар акциядорлар кўмитасининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш.

14. “Сурхондарё Агрокимёхимоя” акциядорлик жамияти балансидаги Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонунчиликдаги белгиланган иқтисодий кўрсаткичларидан самарадорлиги паст бўлган, келгусида ишлаб чиқаришда зарурияти бўлмаган географик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган шахобчаларни тугатиш тўғрисида.

15. “Сурхондарё Агрокимёхимоя” “Келгусида ишлаб чиқаришга зарурияти бўлмаган, фойдаланишга яроқсиз, таъмирталаб бино-иншоотлар ҳамда жамиятга кўп йиллардан буён самара келтирмаётган яроқсиз холда келиб қолган техника ва

механизмларни қонунда белгиланган тартибда сотиш ва ҳисобдан чиқариш тўғрисида. (Биржа савдолари орқали сотишни ташкил этиш, Эҳтиёт қисмлар ва қурилиш материалларини қиримга олиш.

*Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан* сўзга чиққан маърузачи кузатув кенгаши аъзоси К.Мақсудов 2016 йил давомида кузатув кенгаши томонидан ўтказилган йиғилишлар, жамият томонидан олиб борилган ишлар, туман филиалларининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари, 2016 йил давомида кузатув кенгаши томонидан берилган топшириқларнинг ижроси бўйича ҳисобот бериб, йўл қўйилган хато-камчиликлар ва эришилган ютуқлар тўғрисида гапириб ўтди.

Кузатув Кенгашининг 2016 йил якуни бўйича амалга оширган ишлари ҳисоботи эшитилиб, тасдиқлаш учун акциядорлар ўртасида овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар – 740 827 та овоз, 100%, қаршилар - йук, бетарафлар – йук  
Бир овоздан қабул қилинди**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги биринчи масала бўйича қўйидаги  
Қарор қабул қилинди :**

1. Сурхондарё вилоят «Қишлоқхўжалиқкимё» акциядорлик жамияти Кузатув Кенгашининг 2016 йил давомида олиб борган ишлари қониқарли деб топилсин.

*Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан* Жамият бошқаруви директори Ш.С.Жумаев сўзга чиқиб, “Агрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти ўз зиммасига юклатилган асосий вазифалардан келиб чиққан ҳолда, 2016 йил давомида вилоятдаги қишлоқ хўжалиқ корхоналарини минерал ва маҳаллий ўғитлар билан таъминлаш ҳамда уларга кенг кўламдаги агрокимёвий хизматларни кўрсатиш борасида бир қанча ишларни амалга оширилганлиги тўғрисида гапириб ўтди.

Жамият тизимида 2016 йил давомида 1 та Денов туман филиали, 5 та туманлараро бўлими, 1 та “Кимё ташув транс” филиали ва 1 та Учқизил туманлараро “Агрокимётаъминот” базаси фаолият юритганлиги тўғрисида таъкидлаб ўтди.

2016 йил давомида бизнес-режага асосан фермер хўжалиқларига минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар етказиб бериш ҳамда агрокимёвий хизматлар кўрсатиш режаси 148,6 млрд сўмни ташкил қилган бўлиб, амалда эса 176,1 млрд сўмлик минерал ўғит ва кимёвий воситалар етказиб берилганлиги ҳамда агрокимёвий хизматлар кўрсатилиб, бизнес-режа 118,5 фоизга бажарилганлиги.

Ялпи даромад олиш бизнес режа бўйича 29,2 млрд сўмга режалаштирилган бўлиб, амалда 31,5 млрд сўм, яъни 107,7 % даромад олинганлиги.

Жамият томонидан 2016 йилда бизнес-режаси бўйича 453,0 млн.сўм соф фойда олиш режалаштирилган бўлиб, амалда эса 457,5 млн.сўм соф фойда олинди ва режа 101,1 % бажарилиб, 4,5 млн. сўмлик кўп соф фойда олинганлиги тўғрисида айтиб ўтди.

Тизимдаги туман ва туманлараро бўлимлари томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига етказилган минерал ўғит, кимёвий воситалар ва агрокимёвий хизматлар ҳисобидан 2017 йил 1 январ ҳолатига дебитор қарздорлик 116,3 млрд. сўмни, кредитор қарздорлик эса 5,2 млрд сўмни ташкил этганлиги. Дебитор қарздорликларни камайтириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилганлиги.

Дебитор қарздорликларни ундириш бўйича фермер хўжаликларига талабномалар берилди ва талабномалар бўйича қарздорликларни ихтиёрий равишда тўламаган хўжаликлардан қарздорликларни ундириш бўйича хўжалик судининг хал қилувчи қарори чиқарилиб, суд ижро департаментига мурожаат қилинди ва ижро Департаменти ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб борилиб, 7,2 млрд сўмлик қарздорлик ундириб олинганлиги.

Қарздорлиги мавжуд фермер хўжаликларига даъво аризалар киритилиб, улардан 1,6 млрд сўмлик жарималар (пеня) ундириб олинганлигини таништириб ўтди.

Вилоятдаги давлат буюртмаси асосида ғалла ва пахта етиштирувчи 3669 та қишлоқ хўжалик корхоналари билан шартномалар расмийлаштирилганлиги.

Вилоят бўйича жами 215,1 гектар сувли майдон мавжуд бўлиб, шундан 2016 йилда давлат буюртмаси ҳисобидан *Ғалла ҳосилига (январ-декабр)*

Азотли ўғитлар соф ҳолда 10615 тн етказиб бериш режалаштирилган бўлиб, амалда 13967 тн, 132,0 % ;

Фосфорли ўғитлар соф ҳолда 2762 тн етказиб бериш режалаштирилган бўлиб, амалда 5199 тн 188 % ;

Калийли ўғитлар соф ҳолда 699 тн етказиб бериш режалаштирилган бўлиб, амалда 1191 тн 170 % етказиб берилди.

Ғалла ҳосили учун Давлат буюртмасидан ташқари 9218 тонна соф ҳолда азотли ўғитлар етказиб берилганлиги.

#### *Пахта ҳосили учун (январ-декабр)*

Азотли ўғитлар соф ҳолда 26460 тн етказиб бериш режалаштирилган бўлиб, амалда 23953 тн 91,0 % ;

Фосфорли ўғитлар соф ҳолда 7145 тн етказиб бериш режалаштирилган бўлиб, амалда 4425 тн 62,0 % ;

Калийли ўғитлар соф ҳолда 2238 тн етказиб бериш режалаштирилган бўлиб, амалда 2261 тн 101% етказиб берилганлиги тўғрисида гапириб ўтди.

2016 йил давомида агрокимёвий хизматлар режаси 7,4 млрд сўм режалаштирилиб, амалда 8,0 млрд сўмлик ишлар бажарилди, режа 108,1 % бажарилганлиги.

Жамиятнинг техника базасини ривожлантириш ва қўшимча даромадлар олиш мақсадида 2016 йилда 3-дона МТЗ-80 трактори, 30 дона ОВХ-600 пуркагич ҳамда 2 дона НРУ-0.5 минерал ўғит сепгич механизмлари лизинг асосида олинганлиги.

Бундан ташқари 2017 йилда 132 дона ОВХ-600 пуркагич, 35 дона ОШУ олтингурут сепгич ва 22 дона НРУ-0.5 минерал ўғит сепиш мосламалари лизинг асосида сотиб олинганлигини айтиб ўтди.

Жамият бўйича 2016 йилда иккиламчи қора металл парчаси 210 тонна; Рангли металл 2,5 тонна топширилиб, режа кўрсаткичлар 100 % бажарилганлиги.

Шунингдек, ҳозирги кунда Музработ туман филиалида 55 бош қора мол парвариш қилинмоқда. Шундан; 17 бош сигир (*10 боши соғин*), 3 бош ғунажин, 15 бош тона (бука), 20 бош бузоқ мавжудлиги.

2016 йил давомида бузоқ олиш режаси -13 та, амалда -13 та (100%)

Сут режа -12000 лт, амалда -17935 лт (150%)

Гўшт режа -2500 кг, амалда -2500 кг (100%) га бажарилганлиги.

Ушбу чорвачилик соҳаси бўйича етиштирилган озик-овкат маҳсулотлари жамият тизимидаги ишчи ходимларга бозор нархидан арзонлаштирилган нархларда етказиб берилганлиги.

Бундан ташқари тизимда жами 20 га боғ мавжуд бўлиб, шундан; Сариосиё туманида 10 га интенсив боғ ва Бойсун туманида 10 га маҳаллий боғ парваришланаётганлиги.

Сариосиё туманида 2016 йилда олма дарахтларидан 20 тн хосил олинди, шунингдек, ерга тўкилган олмаларни қуритиб қоқи қилиш йўлга кўйилган бўлиб, қўшимча яна 1,0 тонна қоқи заҳираси яратилди ва тизимдаги ишчи хизматчиларга арзон нархларда етказиб берилганлиги тўғрисида маълумот берди.

Маданий – оммавий тадбирлар бўйича;

2016 йилда жамиятимиз томонидан тизимда ишлаётган ишчи ходимларнинг фарзандларини ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида марокли дам олишлари учун Олтинсой туманида жойлашган “Мироб”, Узун туманидаги «Хонжиза, Шеробод туманидаги «Бешбулоқ Сурхон Шеробод» болалар оромгоҳига 72 нафар фарзандлари марокли дам олдирилиб, 17450,3 млн сўм маблағ сарфланганлиги.

Касаба уюшма аъзолик бадаллари маблағи ҳисобидан 2016 йилда жами 8 нафар ходим шундан 1 нафар ходим оила аъзоси билан соғломлаштирилиб 6,9 млн сўм, ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан 22 нафар ходим сихатгоҳларга йўлланмалар билан таъминланиб 16,0 млн сўм, сарфланиб соғлиқлари тикланганлиги.

“Соғлом она ва бола йили” Дастури ижросини таъминлаш мақсадида жамият тизимида ишлаб нафақага чиққан ҳамда ишлаб турган кекса ходимларнинг 4 нафари санаторияларда дам олдирилиб 4,0 млн сўм маблағ сарфланиб соғлиқлари тикланди. Бундан ташқари Жамият тизими ёшларини оилавий ҳаётга ва соғлом оила барпо этишга тайёрлаш, оилани режалаштириш, уларда соғлом ҳаёт тарзига

интилиш ва тиббий маданиятини шакллантириш, ҳар хил иллатларни олдини олиш тадбирларини амалга ошириш учун 30,0 млн сўм, оналик ва болалик муҳофазасини кучайтириш учун 3,0 млн сўм, аёллар ва уларнинг болаларининг саломатлигини асраш учун тегишли шароитлар яратиб беришга 7,0 млн сўм, Ёш оналар болаларини парвариш қилишда 5,0 млн сўм моддий ёрдам, оилалар фарзандларини етук, баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда барча қулайликлар яратиб беришга 5,0 млн сўм, тизимда меҳнат қилаётган оилаларнинг ижтимоий шароитини яхшилашга 6,5 млн сўм маблағ сарфланганлиги.

Жамиятда меҳнат қилаётган 1941-1945 йил уруш қатнашчиларига тенглаштирилган байналминал жангчилар, жамиятда меҳнат қилиб касб касаллигига чалинган ногиронларнинг 13 нафарига 2,1 млн сўмга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилганлиги тўғрисида тухталиб ўтди.

Жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар – 740 827 та овоз, 100%, қаршилар - йук, бетарафлар – йук**

**Бир овоздан қабул қилинди**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала бўйича қўйидаги**

**Қарорлар қабул қилинди :**

1. 2016 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича акциядорлик жамияти бошқарувининг ҳисоботи қониқарли деб топилсин.
2. Кўрсатиб ўтилсинки, келгусида жамият балансига лизинг асосида ёки янги сотиб олинаётган мол-мулк ҳамда техника ва механизмлар фақатгина кузатув кенгаши розилиги билан амалга оширилсин.

**Кун тартибидаги туртинчи масала юзасидан “ТТТ-Audit” МЧЖ** ташқи аудиторлик қорхонаси аудитори И.Алимардонов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2016 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича аудиторлик хулосаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирар экан, ўтган йилда ҳисоботларда фарқлар аниқланмаганлиги, камчиликлар тўлиқ бартараф этилиб, тегишли иш юритиш тартиблари билан барча филиаллар таништирилиб борилганлиги тўғрисида ҳисоботини ўқиб эшиттирди (аудиторлик хулосаси илова қилинади).

Шунингдек, Тизимдаги туман ва туманлараро филиалларида қишлоқ хўжалик қорхоналарига етказиб берилаётган минерал ўғитлар, Молия вазирлиги ҳузуридаги “Жамғарма” томонидан ғалла ва пахта ҳосили учун ажратилган имтиёзли ҳамда якуний транш маблағларининг ўзлаштирилиши бўйича таҳлил қилинганлиги, айрим туман филиалларида фермер хўжалиқларига умуман тўловларсиз минерал ўғитлар чиқариб юбориш ҳолатлари мавжудлигини айтиб, қўйидаги Денов, Қизирик, Қумқўрғон, Музработ, Узун, Шеробод ва туман филиаллари бош ҳисобчи ва таъминотчилари томонидан ҳисоб-китоб ишларининг тўғри ташкил

қилинмаганлиги ва фермер хўжалиқларига умуман тўловларсиз минерал ўғитлар ётказиб берганлиги ҳамда минерал ўғитлар режа тақсимотига асосан зид равишда меъёрдан ортиқча ётказиб берилганлиги, дебитор қарздорликларнинг йил бошига нисбатан кескин ошиб кетганлиги тўғрисида ўз эътирозини билдириб ўтди.

Ташқи аудиторлик хулосасини ва таклифини тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар – 740 827 та овоз, 100%, қаршилар - йук, бетарафлар – йук**

**Бир овоздан қабул қилинди**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги бешинчи масала бўйича қўйидаги**

**Қарорлар қабул қилинди :**

1. Жамият ташқи аудиторининг 2016 йил якуни хулосасида қайд этиб ўтилган бухгалтерия балансининг жами қиймати 336 613 999 минг сўм ва 458 млн 98 минг сўмлик соф фойда олинганлиги тўғрисида “ТТТ-Audit” МЧЖ аудиторлик томонидан ижобий хулоса тақдим қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин

2. 2016 йил якуни бўйича жамиятнинг баланси 336 613 999 минг сўм ва соф фойдаси 458 млн 98 минг сўм тасдиқлансин.

*Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан* жамият директоринг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари А.Эшманов сўзга чиқиб, жамият томонидан 2017 йил учун ишлаб чиқилган «Бизнес-режа» лойиҳаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди ва 2017 йилда қишлоқ хўжалиқ корхоналарига минерал ўғит, кимёвий воситалар ётказиб бериш ва агрокимёвий хизматлар кўрсатиш 1194,0 млрд сўм миқдоридан режалаштирилаётганлиги ва бундан олинган ялпи даромад эса 35,2 млрд млн сўмни ташкил қилиши тўғрисида айтиб ўтди

2017 йилда 477,0 млн сўмлик соф фойда олиниши мўлжалланаётганлигини таъкидлаб ўтди.

«Бизнес-режа» лойиҳаси тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар – 740 827 та овоз, 100%, қаршилар - йук, бетарафлар – йук**

**Бир овоздан қабул қилинди**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги еттинчи масала бўйича қўйидаги**

**Қарорлар қабул қилинди :**

1. Жамиятнинг 2017 йил учун мўлжалланган “Бизнес-режа”си (соф фойда 477 млн сўм) тасдиқлансин.

2. Ички аудит томонидан ушбу «Бизнес-режа» кўрсаткичларининг бажарилиши ҳар чорақда таҳлил қилинсин ва бажарилган ишлар бўйича ахборотлар Кузатов кенгашига тақдим этиб борилсин.

3. Жамият ички аудити хизмати бизнес-режа параметрларининг бажарилиши юзасидан алоҳида назорат ўрнатсин.

*Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан* жамият директорининг Иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари А.Эшманов жамиятимиз томонидан 2016 йилда бизнес-режаси бўйича 453,0 млн сўм соф фойда олиш режалаштирилган бўлиб, амалда эса 458,1 млн.сўм соф фойда олинганлиги ва режа 101,1 % бажарилиб, 4,5 млн.сўмлик кўп соф фойда олинганлиги таъкидлаб ўтди ва 2016 йил якуни бўйича олинган соф фойдани қўйидагича тақсимлаш бўйича таклифини берди.

2016 йил якуни бўйича олинган 458 млн 98 минг сўмлик соф фойдани қўйидагича тақсимлашни таклиф этамиз.

Жумладан;

- |                                       |                         |
|---------------------------------------|-------------------------|
| - Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга 47% | - 215 млн 306 минг сўм, |
| - Дивидент тўловларига 50 %           | - 229 млн 049 минг сўм, |
| - Меҳнатни муҳофаза қилиш фондига 1%  | - 4 млн 581 минг сўм,   |
| - Директорлик фондига 1%              | - 4 млн 581 минг сўм,   |
| - Инновация фондига 1%                | - 4 млн 581 минг сўм.   |

Бир дона акция учун ҳисобланаётган дивидент 300 сўм 72 тийиндан тўғри келмоқда.

2016 йил якуни бўйича соф фойдани тасдиқлаш учун акциядорлар ўртасида овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар – 740 827 та овоз, 100%, қаршилар - йук, бетарафлар – йук**

**Бир овоздан қабул қилинди**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги олтинчи масала бўйича қўйидаги Қарорлар қабул қилинди :**

1. Жамиятнинг 2016 йил моливий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича олинган 458 млн 98 минг сўмлик соф фойдаси тасдиқлансин ва қўйидаги тартибда тақсимлансин:

- |                                       |                         |
|---------------------------------------|-------------------------|
| - Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга 47% | - 215 млн 306 минг сўм, |
| - Дивидент тўловларига 50 %           | - 229 млн 049 минг сўм, |
| - Меҳнатни муҳофаза қилиш фондига 1%  | - 4 млн 581 минг сўм,   |
| - Директорлик фондига 1%              | - 4 млн 581 минг сўм,   |
| - Инновация фондига 1%                | - 4 млн 581 минг сўм.   |

Акциядорларга дивидент тўловлари учун ажратилсин.

2. Дивиденд тўловлари реестр асосида ҳисоб-китоб қилиниб, жамият бошқаруви томонидан амалдаги тартибларга мувофиқ белгиланган муддатларда пул (пластик карточка) ёки натура кўринишида (акциядорнинг розилиги билан) тўлаб берилсин.

*Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича* Кузатув кенгаши аъзоси К.Мақсудов сўзга чиқиб, жамият бошқаруви директори Ш.С.Жумаевнинг эгаллаб турган вазифаси бўйича меҳнат шартномасини 1- йилга ўзайтириш бўйича таклифини берди ва акциядорлар ўртасида овозга қўйилди

**Овоз бериш натижалари:**

1. Ш.С.Жумаевга- тарафдорлар – 740 827 та овоз, 100%, қаршилар-йук, бетарафлар–йук.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича қўйидаги Қарор қабул қилинди :

1. Жамият бошқаруви директори Ш.С.Жумаевнинг меҳнат шартномаси қонунда белгиланган тартибда бир йил муддатга ўзайтирилсин.

*Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан* жамиятнинг Юридик хизмат бўлими бошлиғи А.Пардаев сўзга чиқиб, Кузатув кенгаши аъзолари сафи 9 кишидан иборат бўлиши тўғрисида гапириб, 2017 йил учун таклиф этилган 10 кишини Кузатув кенгаши аъзолари номларини ўқиб эшиттирди.

Кузатув кенгаши номзодлигига “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ нинг 06.06.2017 йилдаги №01-16/1030-сонли хатига асосан;

1. Эльманов Хаким -“Ўзагрокимёҳимоя” АЖ Хизмат бўлими бошлиғи;
2. Боймуратов Абдурахмат -“Ўзагрокимёҳимоя” АЖ Бошқарма бошлиғи;
3. Мақсудов Козим -“Ўзагрокимёҳимоя” АЖ Бош мутахассиси;
4. Козимов Жаҳонгир -Бош юрисконсулт;
5. Ҳамраев Нурбек -“Ўзагрокимёҳимоя” АЖ Етакчи мутахассиси;
6. Мирзажанов Зиёвуддин -«Ўзагрокимёҳимоя» АЖ етакчи мутахассиси
7. Тўраев Шохрух -“Ўзагрокимёҳимоя” АЖ бош мутахассиси.
8. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасининг хатига асосан, Маматкулов Қахрамон Нарзуллаевич Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси “Давлат активларини хатловдан ўтказиш, ҳисобга олиш ва самарали бошқариш” бўлим бошлиғи.

Миноритар акциядорлар томонидан таклиф этилганлар;

9. Ю.Холияров - акциядор
10. Ж.Уроков - акциядор.

**Овоз бериш натижалари:**

1. Х.Эльмановга- тарафдорлар – 740 827 та овоз, 100%, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ
2. А.Боймуратовга- тарафдорлар – 740 827 та овоз, 100%, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ
3. К.Мақсудовга- тарафдорлар – 740 827 та овоз, 100%, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ
4. Ж.Козимовга- тарафдорлар – 740 827 та овоз, 100%, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ
5. Н.Хамраевга - тарафдорлар – 740 827 та овоз, 100%, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ
6. З.Мирзажоновга- тарафдорлар – 740 827 та овоз, 100%, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ
7. Ш.Тўраевга- - тарафдорлар – 740 827 та овоз, 100%, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ
8. Қ.Н.Маматқуловга- тарафдорлар – 740 8278 та овоз, 100%, қаршилар-йўқ, бетарафлар-йўқ
9. Ю.Холияровга- тарафдорлар – 740 827 та овоз, 100%, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ
10. Ж.Уроқовга- тарафдорлар – 0 та овоз, қаршилар 740 827 та овоз 100%, бетарафлар – йўқ

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича қўйидаги Қарорлар қабул қилинди :**

**I. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига қўйидагилар тасдиқлансин:**

1. Эльманов Хаким -“Ўзагрокимёхимоя” АЖ Хизмат бўлими бошлиғи;
2. Боймуратов Абдурахмат -“Ўзагрокимёхимоя” АЖ Бошқарма бошлиғи;
3. Мақсудов Козим -“Ўзагрокимёхимоя” АЖ Бош мутахассиси;
4. Козимов Жаҳонгир -Бош юрисконсулт;
5. Ҳамраев Нурбек -“Ўзагрокимёхимоя” АЖ Етакчи мутахассиси;
6. Мирзажанов Зиёвуддин -«Ўзагрокимёхимоя» АЖ етакчи мутахассиси
7. Тўраев Шохрух -“Ўзагрокимёхимоя” АЖ бош мутахассиси.
8. Маматқулов Қахрамон -Ўзбекистон Республикасининг

хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси “Давлат активларини хатловдан ўтказиш, ҳисобга олиш ва самарали бошқариш” бўлим бошлиғи.

Миноритар акциядорлар томонидан таклиф этилган;

9. Ю.Холияров - акциядор

**II.** Кузатув кенгаши раисига компенсация тўлови Жамият директори иш хақи миқдорида, Кенгаш котибига жамият етакчи мутахассиси ойлиги миқдорида, кузатув

кенгаш аъзоларига энг кам иш хақининг беш баробари миқдорида ҳар чорақда компенсация тўлови тўлансин.

*Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича* жамиятнинг Молия ва режалаштириш бўлими бош мутахассиси А.Хаманов жамият Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодларини кўрсатиш бўйича ўз таклифларини киритди, яъни:

“Ўзагрокимёҳимоя” АЖнинг 06.06.2017 йилдаги №01-16/1030-сонли хатига асосан;

Сагдиев Ҳабибулло –“Ўзагрокимёҳимоя” АЖ Бош мутахассиси;

Ирназаров Бекзод - “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ Иш юритувчиси;

Акциядорлар номидан таклиф этилган жамият акциядори Мирзакулов Абдумуминларнинг номзодларини кўрсатиб ўтди.

**Овоз бериш натижалари:**

Ҳ.Сагдиевга - тарафдорлар – 740 827 та овоз, 100%, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ

Б.Ирназаровга - тарафдорлар – 740 827 та овоз, 100%, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ

А.Мирзакуловга - тарафдорлар – 740 827 та овоз, 100%, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ

Бир овоздан қабул қилинди

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича қуйидаги Қарор қабул қилинди :**

Жамият тафтиш комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. Сагдиев Ҳабибулло – “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ Бош мутахассиси;

2. Ирназаров Бекзод - “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ Иш юритувчиси;

3. Мирзакулов Абдумумин – жамият акциядори

4. Тафтиш комиссияси томонидан жамиятнинг 2017 йил чорақлик, ярим йиллик ва йиллик иш фаолияти бўйича текшириш ўтказилсин ва текшириш натижалари тўғрисидаги хулосалар Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим қилинсин.

*Кун тартибидаги ўнинчи масала* юзасидан жамият бош ҳисобчиси Н.Абдукаримов сўзга чиқиб, қонунчиликда белгиланган тартибда ваколатли органлар тавсиясига асосан 2017 йил учун ташқи аудиторликга жами 5-та аудиторлик корхоналаридан қуйидаги таклифлар тушганлигини маълум қилди:

Фарғона вилоят «ТТТ-AUDIT» масъулияти чекланган жамият 15.0 млн сўм.

Андижон шаҳар «ZIYO -AUDIT» МЧЖ 18.0 млн сўм.

Тошкент шаҳар «NAZORAT- AUDIT» Аудиторлик компанияси	17.0 млн сўм.
Фарғона вилоят «AUDIT PROFESSIONAL Praktik» МЧЖ	15.0 млн сўм.
Тошкент шаҳар «Prom Audit» МЧЖ	8.0 млн сўм.

Ушбу аудиторлик корхоналаридан бирини жамиятнинг 2017 йил учун аудитор текширувини ўтказишга танлаш лозимлигини айтиб ўтди. Аудиторларнинг иш фаолиятлари билан танишган ҳолда ва йиллик сарф харажатларини ҳисобга олиб, 2017 йил учун жамият аудитори этиб, Фарғона вилоят масъулияти чекланган жамият шаклидаги «AUDIT PROFESSIONAL Praktik» МЧЖ аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш таклифини берди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар – 740 827 та овоз, 100%, қаршилар - йук, бетарафлар – йук  
Бир овоздан қабул қилинди**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги сақизинчи масала бўйича қўйидаги  
Қарорлар қабул қилинди :**

1. Йиллик сарф харажатларини ҳисобга олиб, 2017 йил учун жамият аудитори этиб, Фарғона вилоят масъулияти чекланган жамият шаклидаги «AUDIT PROFESSIONAL Praktik» аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин.

2. Энг юқори хизмат ҳақи харажати 15.0 млн. сўм миқдоригача белгилансин.

*Кун тартибидаги ўн биринчи масала* юзасидан жамиятнинг молия ва режалаштириш бўлим бош мутахассиси А.Хаманов сўзга чиқиб, “Сурхондарё Агрокимёҳимоя” ҳудудий акциядорлик жамиятининг келгуси 5-йиллик истиқболни белгилаш бўйича Дастури тўғрисидаги 2017 - 2021 йиллар учун молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисидаги ишлаб чиқилган Дастур билан таништирди.

Ушбу Дастурда келгуси 5 йил давомида амалга ошириладиган ишлар, молиявий хўжалик фаолияти, корхонанинг самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисида гапириб ўтди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар – 740 827 та овоз, 100%, қаршилар - йук, бетарафлар – йук  
Бир овоздан қабул қилинди**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича қўйидаги  
Қарорлар қабул қилинди :**

1. “Сурхондарё Агрокимёҳимоя” ҲАЖнинг 2017- 2021 йиллар учун молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари ва хўжалик фаолияти бўйича ишлаб чиқилган 5-йиллик истиқболни белгилаш Дастури маълумот учун қабул қилинсин.

*Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан* Кузатув кенгаши аъзоси К.Мақсудов сўзга чиқиб, жамият бошқаруви аъзоларини сайлаш бўйича 5 кишидан иборат ўз таклифини киритди.

*Бошқарув аъзолигига эгаллаб турган лавозими бўйича:*

- |   |   |               |
|---|---|---------------|
| 1. Жамият бошқаруви директори                                 | - | Ш.С.Жумаев    |
| 2. Жамият директорининг ўринбосари                            | - | О.Алимардонов |
| 3. Жамият директорининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари | - | А.Эшманов     |
| 4. Жамият бош ҳисобчиси                                       | - | Н.Абдиқаримов |
| 5. Юридик хизмат бўлим бошлиғи                                | - | А.Пардаев     |

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар – 740 827 та овоз, 100%, қаршилар - йук, бетарафлар – йук**

**Бир овоздан қабул қилинди**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича қўйидаги Қарор қабул қилинди :**

1. Жамият бошқаруви аъзолари қўйидаги таркибда эгаллаб турган лавозими бўйича тасдиқлансин:

- |   |   |               |
|---|---|---------------|
| 1. Жамият бошқаруви директори                                 | - | Ш.С.Жумаев    |
| 2. Жамият директорининг ўринбосари                            | - | О.Алимардонов |
| 3. Жамият директорининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари | - | А.Эшманов     |
| 4. Жамият бош ҳисобчиси                                       | - | Н.Абдиқаримов |
| 5. Юридик хизмат бўлим бошлиғи                                | - | А.Пардаев     |

*Кун тартибидаги ўн учинчи масала юзасидан* - жамиятнинг юридик хизмат бўлими бошлиғи А.Пардаев Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги, Кузатув кенгаши тўғрисидаги, Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги, Ижроия органи тўғрисидаги, Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги, Ички назорат тўғрисидаги, Ахборот сиёсати тўғрисидаги, Дивиденд сиёсати тўғрисидаги, Санок комиссияси тўғрисидаги, Бошқарув ва назорат органларини рағбатлантириш тўғрисидаги ва Миноритар акциядорлар кўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисидаги (янги таҳридаги) Низомлари уларнинг мазмуни ва моҳияти билан таништирди ҳамда ушбу ички ҳужжатларини тасдиқлаш таклифини берди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар – 740 827 та овоз, 100%, қаршилар - йук, бетарафлар – йук**

**Бир овоздан қабул қилинди**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича қўйидаги Қарор қабул қилинди :**

1. Жамиятнинг қўйидаги ички ҳужжатлари (Низомлари) тасдиқлансин:
  - Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом (янги таҳрирда);
  - Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом (янги таҳрирда);
  - Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги Низом (янги таҳрирда);
  - Ижроия органи тўғрисидаги Низом (янги таҳрирда);
  - Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги Низом;
  - Ички назорат тўғрисидаги Низом;
  - Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низом;
  - Дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низом;
  - Санок комиссияси туғрисидаги Низом;
  - Бошқарув ва назорат органларини рағбатлантириш тўғрисидаги Низом;
  - Миноритар акциядорлар кўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом.

*Кун тартибидаги ўн туртинчи масала* жамият директори ўринбосари Ф.Очилдиев сўзга чиқиб, “Ўзагрокимёхимоя” АЖ бошқарувининг 21.04.2017 йилдаги I-чорак якуни бўйича “Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоят “Агрокимёхимоя” ҳудудий акциядорлик жамиятлари тизимидаги туман ва туманлараро филиаллари шахобчаларини мақбуллаштириш, уларнинг самарали ишлашини таъминлаш ҳамда моддий техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №21-сонли йиғилиш баёнининг ижроси юзасидан “Сурхондарё Агрокимёхимоя” ҳудудий акциядорлик жамиятида жами 50 та шахобча мавжуд бўлиб, ушбу шахобчаларни атрофлича ўрганиб чиқиш ва мақбуллаштириш мақсадида жамият бошқаруви томонидан буйруқ ишлаб чиқилганлиги ва ишчи гуруҳ тузилганлиги.

Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонунчиликдаги белгиланган иқтисодий кўрсаткичларидан самарадорлиги паст булган, келгусида ишлаб чиқаришда зарурияти булмаган географик жихатдан бир-бирга яқин булган, фойдаланилмасдан турган яроқсиз ҳолга келиб қолган, таъмир талаб, самара келтирмаётган 29 та шахобчани тугатиш тўғрисида жамиятда ишчи гуруҳи аъзолари томонидан таклифлар ишлаб чиқилганлиги.

Келгусида мақбуллаштирилиш жараёнида туман филиаллари балансидаги ишлаб чиқаришда фойдаланилмаётган, яроқсиз ҳолатга келиб қолган шахобчаларни ўрганиш жараёнида ҳар бир туман филиалига бориб фото суратларга олиниб, тўлик ўрганиб чиқилганлиги ва қонунда белгиланган тартибда рўйхати бўйича ҳужжатлари ва фото альбомлари тайёрланганлиги тўғрисида ҳисобот берди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар – 740 827 та овоз, 100%, қаршилар - йук, бетарафлар – йук  
Бир овоздан қабул қилинди**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўн туртинчи масала бўйича қўйидаги  
Қарор қабул қилинди :**

1. “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ бошқарувининг 21.04.2017 йилдаги I-чорак якуни бўйича “Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоят “Агрокимёҳимоя” ҳудудий акциядорлик жамиятлари тизимидаги туман ва туманлараро филиаллари шахобчаларини мақбуллаштириш, уларнинг самарали ишлашини таъминлаш ҳамда моддий техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №21-сонли йиғилиш баёни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Сурхондарё Агрокимёҳимоя” ҳудудий акциядорлик жамиятлари тизимидаги туман ва туманлараро филиаллари қошидаги шахобчаларни мақбуллаштириш, ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун зарурияти бўлмаган яроқсиз ҳолга келиб қолган, географик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган шахобчаларни ҳисобдан чиқариш Умумий йиғилиш таклифига асосан жамият Кузатув кенгаши аъзолари зиммасига юклатилсин.

3. Жамият бошқаруви 10 кун муддатда жамият балансидан ҳисобдан чиқарилаётган шахобчаларнинг ҳужжатлар йиғма жилди ва фото суратларини тайёрлаб, Кузатув кенгашига тақдим этилсин. Шунингдек, ҳисобдан чиқарилаётган асосий воситаларнинг Устав жамғармасида ўтирган қисмига алоҳида маълумот тақдим қилсин.

4. Жамият бошқаруви Кузатув кенгашига тақдим этилаётган рўйхат бўйича ҳисобдан чиқариш ёки Кучмас мулк биржаси орқали сотиш учун баҳолаш мақсадида баҳоловчи ташкилот билан шартнома тузиб, баҳолаш учун зарур бўлган маблағлар амалга оширилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, жамият балансидан ҳисобдан чиқарилаётган шахобчалар ҳолати кузатув кенгаши томонидан ўрганиб чиқилиб, кузатув кенгаши ҳулосасига кўра, Кузатув кенгаши рухсати билан ҳисобдан чиқарилаётган мол-мулкларнинг сотиш ишлари ташкиллаштирилсин ва фойдаланилмаётган ортиқча ер майдонлари туман Хокими захирасига топширилсин.

1. *Кун тартибидаги ўн бешинчи масала юзасидан* жамият раиси ўринбосари Ф.Очилдиев сўзга чиқиб, “Сурхондарё Агрокимёҳимоя” ҳудудий акциядорлик жамиятида “Келгусида ишлаб чиқаришга зарурияти бўлмаган, фойдаланишга яроқсиз, таъмир талаб бино-иншоатлар ҳамда жамиятга кўп йиллардан буён самара келтирмаётган яроқсиз ҳолда келиб қолган техника ва механизмларни қонунда белгиланган тартибда сотиш ва ҳисобдан чиқариш тўғрисида жамият бошқаруви томонидан буйруқ ишлаб чиқилганлиги тўғрисида айтиб ўтди.

Жамият тизимидаги чиқаришда зарурияти бўлмаган ва фойданилмасдан турган яроқсиз ҳолга келиб қолган таъмир талаб бино-иншоатлар ҳамда жамиятга кўп

йиллардан буён самара келтирмаётган яроқсиз ҳолга келиб қолган техника ва механизмларни ҳисобдан чиқариш мақсадида Кўчмас Мулк Биржаси орқали сотиш ёки сотиш имкони бўлмаган техникаларни қора металл парчалари ҳисобида давлатга топшириш бўйича ишлар ташкиллаштирилиб, сотилиши белгиланган техникаларни қайта баҳолаш учун ҳар бир туман филиалига бориб фото суратларга олиниб, тўлик ўрганиб чиқилганлиги ва қонунда белгиланган тартибда рўйхати бўйича ҳужжатлари ва фото альбомлари тайёрланганлиги тўғрисида ҳисобот берди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар – 740 827 та овоз, 100%, қаршилар - йук, бетарафлар – йук  
Бир овоздан қабул қилинди**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича қўйидаги  
Қарор қабул қилинди :**

1. “Сурхондарё Агрокимёхимоя” ХАЖ томонидан ишлаб чиқилган буйруқ маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Сурхондарё Агрокимёхимоя” ҳудудий акциядорлик жамияти тизимдаги туман ва туманлараро филиалларидаги ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун зарурияти бўлмаган яроқсиз ҳолга келиб қолган асосий воситалар, бино- иншоотлар ҳамда техника ва механизмларини ҳисобдан чиқариш Умумий йиғилиш таклифига асосан жамият Кузатув кенгаши аъзолари зиммасига юклатилсин.

3. Жамият бошқаруви 10 кун муддатда жамият балансидан ҳисобдан чиқарилаётган барча мол-мулк асосий восита, техника ва механизмларнинг ҳужжатлар йиғма жилди ва фото суратларини тайёрлаб, Кузатув кенгашига тақдим этилсин. Шунингдек, ҳисобдан чиқарилаётган асосий воситаларнинг Устав жамғармасида ўтирган қисмига алоҳида маълумот тақдим қилсин.

4. Жамият бошқаруви Кузатув кенгашига тақдим этилаётган рўйхат бўйича ҳисобдан чиқариш ёки Кучмас мулк биржаси орқали сотиш учун баҳолаш мақсадида баҳоловчи ташкилот билан шартнома тузиб, баҳолаш учун зарур бўлган маблағлар амалга оширилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, жамият балансидан ҳисобдан чиқарилаётган барча мол-мулк, техника ва механизмлар ҳамда бошқа турдаги асосий воситалар ҳолати кузатув кенгаши томонидан ўрганиб чиқилиб, кузатув кенгаши ҳулосасига кўра, Кузатув кенгаши рухсати билан ҳисобдан чиқарилаётган мол-мулкларнинг сотиш ишлари ташкиллаштирилсин ва фойдаланилмаётган ортиқча ер майдонлари туман Хокими заҳирасига топширилсин.

Ушбу Умумий йиғилиш қарорининг ижросини назорат қилиш ва таъминлаш жамият бошқаруви зимасига юклатилсин.

Йиғилиш раиси

Йиғилиш котиби



К.Мақсудов

Э.Эшнӣёзов